«MA’QULLANGAN»
O’zbekiston Respublikasi Sog’liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog’ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«18» 08 2021 г №15

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ГЕПА – МАКС

Препаратнинг савдо номи: Гепа – Макс
Таъсир этувчи мода (ХПН): L-орнитин L-аспартат
Дори шакли: инфузия учун эритма тайёрлаш учун концентрат.
Таркиби:
1 ампула (10 мл) қуйидагиларни сақлайди:
Фаол модда: 5 г L-орнитин-L-аспартат;
Ёрдамчи моддалар: 10 мл гача инъекция учун сув.
Таърифи: қаҳрабо рангли шиша ампулалардаги рангсиздан оч-сариқ ранглигача бўлган тиниқ эритма.
Фармакотерапевтик гуруҳи: жигар касалликларини даволаш учун восита.
АТХ коди: A05BA

Фармкологик хусусиятлари
Фармакодинамикаси
Плазмада хусусан жигар касалликларида, аммиакнинг ошган даражасини пасайтиради. Препаратнинг таъсири, унинг мочевина ҳосил бўлишининг (аммиакдан мочевина ҳосил бўлиши) орнитин циклида иштирок этиши билан боғлиқ. Парентерал озиқлантириш талаб қилинадиган касалликларда оқсил алмашинувини яхшилайди.
Фармакокинетикаси
Орнитин аспартати уни ҳосил қилувчи компонентларига – орнитин ва аспартат аминокислоталарига диссоцияланади. Улар ингичка ичакда фаол транспорт йўли билан ичак эпителийси орқали сўрилади. Буйраклар орқали чиқарилади.

Қўлланилиши
- Жигарнинг ўткир ва сурункали касалликлари.
- Жигар энцефалопатиясида (яширин ва яққол) қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари
Суткада 4 ампулагача, ампула ичидагисини 500 мл инфузия учун эритмада эритиб вена ичига юборилади. Жигар энцефалопатиясида холатнинг оғирлигига қараб суткада 8 ампулагача юборилади. Инфузиянинг давомийлиги, тез-тезлиги ва даволашнинг давомийлиги индивидуал аниқланади.
Вена ичига юборишнинг максимал тезлиги соатига 5 г. 500 мл инфузион эритмада 6 ампуладан кўп эритилмасин! Артерия ичига юборилмасин!

Ножўя таъсирлари
Кам холларда- кўнгил айниши ва кусиш.
Кўрсатилган ножўя самаралари одатда ўткинчи бўлиб, препаратни бекор қилишни талаб қилмайди. Улар пайдо бўлганида препаратнинг дозасини ва юбориш тезлигини мувофиқлаштириш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
L-орнитин-L-аспартати ёки препаратнинг бошқа компонентларига ўта юқори сезувчанлик. Креатининнинг кўрсаткичи 3 мг/100 мл дан кўпроқ бўлган яққол буйрак етишмовчилигида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Бошқа гуруҳ дори препаратлари билан ўзаро таъсири аниқланмаган.

Махсус кўрсатмалар
Диққатни юқори жамлаш ва психомотор реакцияларнинг тезлигини талаб қилувчи потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғулланувчи пациентларга эҳтиёткорлик билан буюрилади.
Гепа – Макс (инфузия учун эритма тайёрлаш учун концентрат) препаратини юқори дозаларида зардобдаги ва сийдикдаги мочевина даражасини назорат қилиш керак.
Агар жигар функцияси аҳамиятли бузилган бўлса, пациентнинг индивидуал ҳолатига қараб кўнгил айниши ва кусишни олдини олиш учун юбориш тезлигини туғрилаш керак.
Препаратни болаларда ишлатиш бўйича маълумотлар йўк.
Ҳомиладорлик ва лактация даврида кўлланилиши
Препаратни ҳомилага таъсирининг етарли маълумотлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли Гепа – Максни (инфузия учун эритма тайёрлаш учун концентрат) ҳомиладорлик вақтида кўллаш мумкин эмас. Эмизиш даврида кўллашдан сақланиш керак, чунки таъсир этувчи модда она сутига ўтадими, йўкми, маълум эмас. Агар препарат билан даволашнинг зарурати бўлса, уни шифокорнинг қатьий кузатуви остида кўллаш мумкин.

Дозани ошириб юборилиши
Дозаси ошириб юборилганида интоксикация белгилари таърифланмаган.
Дозани ошириб юборилиши ҳолатларида симптоматик даволаш кўрсатилган.

Чиқарилиш шакли
10 мл дан 1 ампула тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

Сақлаш шароити
Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25ºС дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Болалар оломайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
2 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:
«Jackson laboratories» PVT.LTD
22-24 Majitha Road Bye Pass, Amritsar-143001, Индия.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили
СП ООО «NOVA PHARM»
Ўзбекистон Республикаси, Ташкент ш., Нодир кўч., 92-а.
Тел.: 71 240 62 26.